

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02.30.12.2019.К/Т.35.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

МАМАТАЛИЕВ НОЗИМ НИМАДЖОНОВИЧ

**ХРОМ-АЛЮМИНИЙ ИНТЕРКАЛИРЛАНГАН
МОНТМОРИЛЛОНИТ: ОЛИНИШ УСУЛЛАРИ ВА ФИЗИК-
КИМЁВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

02.00.11 – Коллоид и мембрана кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the dissertation abstract of doctor of filosophy (PhD)

Маматалиев Нозим Нимаджонович

Хром-алюминий интеркалирланган монтмориллонит: олиниш усуллари ва физик-кимёвий хусусиятлари 3

Маматалиев Нозим Нимаджонович

Хром-алюминий интеркалированный монтмориллонит: способы получения и физико-химические характеристики 21

Mamataliev Nozim Nimadjonovich

Chromium-aluminum intercalated montmorillonite: methods of production and physico-chemical characteristics 41

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 45

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02.30.12.2019.К/Т.35.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

МАМАТАЛИЕВ НОҚЗИМ НИМАДЖОНОВИЧ

**ХРОМ-АЛЮМИНИЙ ИНТЕРКАЛИРЛАНГАН
МОНТМОРИЛЛОНИТ: ОЛИНИШ УСУЛЛАРИ ВА ФИЗИК-
КИМЁВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

02.00.11 – Коллоид и мембрана кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2022

Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий Аттестация Комиссиясида В2021.4.PhD/К447 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.ionx.uz ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.zionet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдикамалова Азиза Бахтияровна
кимё фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Ахмедов Улуг Каримович
кимё фанлари доктори, профессор

Акбаров Хамдам Икромович
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети

Диссертация химояси Умумий ва ноорганик кимё институти хузуридаги DSc.02.30.12.2019.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «28» июнь 2022 йил соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: ionxanruz@mail.ru.

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (13-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60); факс: (+99871) 262-79-90).

Диссертация автореферати 2022 йил «14» июнь куни тарқатилди.
(2022 йил «14» июндаги № 13- реестр баённомаси)

Б.С.Закиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., проф.

Д.С.Салиханова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д., проф.

И.Д.Эшметов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва талабгорлиги. Бутун дунёда қатламлари орасида фаол ионлар тутган интеркаляцияланган смектитлар ўзини самарали адсорбент, турли жараёнларда органик моддаларни ўзгартирувчи фаол фотокатализатор сифатида кўрсатди. Хусусан, хром пиллар гиллар углеводородларнинг каталитик оксидланиши, эфир ҳосил бўлиши ва спиртлардан сувни олиб тозалаш каби кенг кўламли кўрсаткичларда катализатор сифатида синовдан ўтказилгандан сўнг илмий тадқиқотчиларнинг эътиборини жалб қилди. Бундай материаллар термик барқарорлик, юқори солиштира юза, микро- ва мезоғовакларнинг доимий тақсимланиши, турли табиатга эга фаол марказларнинг мавжудлиги сингари такрорланмас сирт ва физик-кимёвий хусусиятлари билан катта аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги кунда дунёда монтмориллонитга бой гиллар ва олигомер поликатионлар асосида янги юқори ғовакли материалларни яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, хром ва бошқа металлларнинг олигомер навларини синтез қилиш шароитларини оптималлаштириш, уларнинг қатламли минералларга интеркаляциялаш, синтез даврида сув сарфини камайтириш, газ ва сувли муҳитлардан органик моддаларнинг оксидланиш жараёнида иссиқликка барқарорлигини, адсорбцион ва каталитик хусусиятларини ошириш, улар ёрдамида оқова сувлардан барқарор органик бирикмалар, хусусан нефть бирикмалари, фенол, лигнин, бўёқ моддалар, сирт фаол моддаларни тозалаш, микротўлқинли нурланиш ва ультратовушли ишлов бериш ёрдамида жараён давомийлигини қисқартиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда смектит гуруҳи минераллари асосида функционал материаллар – самарали адсорбент ва катализаторлар ишлаб чиқариш технологиясини модернизация қилиш борасида салмоқли илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш»¹ йўналишидаги вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, саноатда ишлаб чиқариш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг замонавий талабларига жавоб берадиган маҳаллий бентонит гилидан юқори самарали адсорбентлар ва каталитик фаол моддаларни яратиш, уларнинг таркиби, тузилиши ва фойдаланиш шартлари ўртасидаги боғлиқликни ўрнатиш бўйича илмий тадқиқотлар катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 7 февраль 2017 йилдаги № ПҚ-4947 «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони.

тараққиёт стратегияси» тўғрисидаги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта тамойили бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармонлари, 2017 йил 23-августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021- йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги Қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот Республикада фан ва технологиялар ривожлантиришнинг VII «Кимёвий технологиялар ва нанотехнология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Дунёда қатламли материалларнинг текстур хоссаларини яхшилаш мақсадида металл полиоксокатионларини интеркалирлаш, хусусан, адсорбентлар олишга Pinnavaia T.J., Klooprogge J.T., Ramirez J.H., Carriazo J., Tomul F., Zhou J., Chen Q., Gupta S., Reynolds R., Vergaya F., Коньковой Т.В., Ханхасаевой С.Ц., Бутмана М.Ф., Брызгаловой Л.В., Дашинамжиловой Э.Ц., Бадмаевой С.В., Кормош Е. ва бошқа олимлар илмий изланишлар олиб боришган.

Республикамизда ҳам К.С.Ахмедов томонидан модификацияланган қатламли системалар асосида самарали адсорбентлар олиш бўйича илмий мактаб яратилган бўлиб, ушбу соҳа ривожига олимлардан Хамраев С.С., Агзамхожаев А.А., Нарметова Г.Р., Муминов С.З., Ахмедов У.К., Абдурахимов С.А., Эшметов И.Д., Салиханова Д.С. ва бошқалар катта ҳисса қўшдилар.

Ушбу олимлар томонидан табиий ресурсларни ўрганиш, уларни модификациялаш усуллари, шунингдек органик ва ноорганик табиатли адсорбатларга нисбатан адсорбцион хусусиятларини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Шу билан бирга, адсорбцион ва каталитик хусусиятларини сақлаган ҳолда пиллар материаллар тизимининг барқарорлигини ошириш масалалари ҳам мавжуд.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқотлар режасига мувофиқ №ПЗ-2017091327 «Юқори самарали маҳаллий адсорбентлар ёрдамида саноат (ёғ-мой ва бошқалар) оқава сувларини тозалашнинг инновацион технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади хром, хром-алюминий интеркалирланган монтмориллонит олиш усуллари ва уларнинг физик-кимёвий хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тизимнинг рН қиймати орқали Cr ва Cr/Al полиоксокатионларининг барқарорлигини тавсифлаш, Me^{3+}/OH^{-} нисбати, реактив сарфи, ҳарорат ва

поликатионлар шаклланиш жараёни давомийлигининг уларнинг ўлчам ва барқарорлигига таъсирини ўрганиш;

полиоксокатионларни синтез қилиш усули билан уларнинг кимёвий-минералогик таркиби, ғоваклилик, сирт қуввати ҳамда Cr ва Cr/Al интеркаляцияланган монтмориллонитларнинг гидродинамик ўлчамлари ўртасидаги боғлиқликни ўрнатиш;

Cr ва Cr/Al полиоксокатионлари таркиби ва структурасининг модификацияланган монтмориллонитнинг адсорбцион ва коллоид-кимёвий хоссаларига таъсирини ўрганиш;

гексан, толуол ва этанол буғлари адсорбцияси асосида ғоваклилик хусусиятларини аниқлаш;

сув буғлари ҳамда нам муҳитдаги адсорбция ва десорбция жараёнлари асосида модификацияланган материалларнинг ғоваклилик тузилиши барқарорлигини ўрганиш;

органик бўёқларга нисбатан модификацияланган материалларнинг адсорбцион ва каталитик фаоллигини ўрганиш;

Модификацияланган материаллар юзаси ва уларнинг Люис кислота марказларининг кислота-асос хусусиятларини аниқлаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида Лоғон бентонити, Cr³⁺ ҳамда Cr³⁺/Al³⁺ полиоксокатионлари намуналари ва улар асосида модификацияланган материаллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети Cr³⁺ ҳамда Cr³⁺/Al³⁺ полиоксокатионларини синтез қилиш усуллари, шунингдек уларни монтмориллонитнинг қатламларо фазосига интеркалирлаш, уларнинг адсорбцион ва каталитик имкониятлари, сиртининг кислота-асос хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда физик-кимёвий-рентгенофазавий, термогравиметрик, ИҚ-, УБ-, ЯМР-спектрал таҳлиллар, атом-адсорбцион спектроскопия, электрон микроскопия ва коллоид-кимёвий - калориметрик, кондуктометрик, титрометрик, индикатор усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Cr, Al ва Cr+Al нинг барқарор полиоксокатионларини синтез қилиш шароитларидаги фарқлар, жумладан харорат, рН, жараён давомийлиги, Me³⁺/OH⁻ нисбати, концентрацияга боғлиқлиги аниқланган;

моно- ва кўп ядроли интеркалирловчи агентларнинг барқарорлиги рН диапазони кенглигининг ўзгариши билан боғлиқлиги ҳамда, Cr³⁺, Al³⁺, Cr³⁺/Al³⁺ поликатионларининг 0,1 М эритмалари учун рН диапазони мос равишда 1,7; 0,7; 2,0 га тенг эканлиги, бу эса аралаш поликатионларнинг барқарорлиги юқорилиги билан исботланган;

CH₃-π дан ташқари ароматик ҳалқа ва Al=O, Cr=O боғлари ҳисобига π - π таъсирлашиш мавжудлиги ҳисобидан пиллар материалларда толуол адсорбцияси кўрсаткичларининг гексанга нисбатан юқорилиги исботланган;

бўёқ моддалар адсорбцияси пиллар материаллар юзасида янги боғларнинг вужудга келиши ҳисобига бориши ҳамда метилен кўки (МК) адсорбциясининг эркин энергия қиймати ЛБ<Cr-ЛБ<Cr/Al-ЛБ, конго қизил

(КК) адсорбциясида эса ЛБ<Cr/Al-ЛБ<Cr-ЛБ қаторига мувофиқ келиши аниқланган;

КК тутган тизим учун ҳар иккала катализатор миқдорини 1 дан 3-3,5 г/л гача кўтарилиши реакция тезлигини 4-6 баробаргача ва унумини 100% гача ошириши, МК тизимида эса ўхшаш натижаларга эришиш учун Cr-ЛБ сарфи 1 г/л бўлиши аниқланган;

ЛБ нинг кислотали марказлари сонини интеркалирлаш жараёнида Cr-ЛБ ва Cr/Al-ЛБ учун мос равишда 0,015 дан 0,067 ва 0,029 гача ортиши, яъни кислота типигаги реакциялар учун катализаторлик имконияти аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

хром ва алюминий полиоксокатионларини синтез қилиш усуллари, оқава сувларни адсорбцион ва каталитик тозалаш учун монтмориллонит қатламларига мазкур полиоксокатионларни интеркалирлаш усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги олинган натижалар физик-кимёвий тадқиқотнинг замановий усуллари кўллаш орқали ҳамда саноат тажриба синовлари билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти барқарор хром ва алюминий полиоксокатионлари синтези, интеркалирланган тизимларни олиш усуллари такомиллаштириш ҳамда адсорбент-адсорбат, катализатор-оксидловчи таъсир механизми ва қонуниятларини аниқлаш билан асосланган бўлиб, булар янги пиллар материаллар яратиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти турли саноат мақсадлари учун маҳаллий хом ашё ресурслари асосида импорт ўрнини босувчи адсорбент ва каталитик фаол материаллар олиш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда олий таълим муассасалари ўқув жараёнида кимё ва кимёвий технология соҳасида магистр ва бакалаврлар тайёрлаш жараёнлари учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Монтмориллонитни хром ва алюминий полиоксокатионлари билан интеркаляциялаш асосида юқори ғовакли материаллар тайёрлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

хром-алюминийли интеркалирланган Логон бентонити асосида оқава сувларни нефт маҳсулотлари ва органик моддалардан каталитик зарарсизлантириш ёрдамида тозалаш технологияси «Шўртан газ кимё мажмуаси» МЧЖ нинг «2023-2024-йилларда амалиётга жорий этиш истиқболли ишланмалар рўйхати» киритилган («Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2022 йил 5 майдаги 03-17-5/48-сон маълумотномаси). Натижада, саноат оқава сувларини талаб даражасигача тозалаш ва технологик циклга қайтариш имконини беради;

оқава сувларни органик моддалардан адсорбцион ва каталитик тозаловчи хром-алюминий интеркаляцияланган бентонит асосидаги адсорбент «Шўртан газ кимё мажмуаси» МЧЖ нинг «2023-2024-йилларда амалиётга жорий этиш истиқболли ишланмалар рўйхати» га киритилган

(«Ўзбекнефтгаз» АЖ нинг 2022 йил 5 майдаги 03-17-5/48-сон маълумотномаси). Натижада, Cr ва Cr/Al пилляр алюмосиликатлардан фойдаланилганда оқава сувлар таркибидаги углеводородлар концентрациясини мос равишда 96 ва 79% га камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот ишининг асосий натижалари 9 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг нашр этилганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий ишлар нашр этилган, жумладан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси диссертацияларнинг асосий натижаларини нашр этиш учун тавсия қилган илмий нашрларда 9 та илмий мақола, 3 таси республика ва 6 таси халқаро журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган. Диссертация ҳажми 118 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, саноат тажриба-синовлари, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Интеркалирланган монтмориллонитлардан адсорбцион ва каталитик жараёнларда фойдаланиш истиқболлари»** деб номланган биринчи бобида, гил минералларининг умумий тавсифи, монтмориллонитларнинг тузилиши ва физик-кимёвий хоссалари, таркибида монтмориллонит тутган гилларни фаоллаштириш усуллари, интеркалирлаш жараёнини монтмориллонитларнинг коллоид-кимёвий хоссаларига таъсири, табиий ва модификацияланган монтмориллонитларнинг адсорбцион хоссалари кўриб чиқилган. Илмий адабиётларда қатламли алюмосиликатларнинг тузилиши ва физик-кимёвий хоссаларига оид мавжуд маълумотлар умумлаштирган ва таҳлил қилинган. Интеркалирланган қатламли алюмосиликатлар синтези ва уларни адсорбция ва катализ жараёнларида қўллаш соҳасидаги тадқиқотларнинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган. Нашр этилган кўплаб илмий ишларда интеркалирланган тизимларнинг каталитик хусусиятлари кислота типидagi катализ реакцияларини газли фазаларда ўрганишга бағишланганлиги қайд этиб ўтилган.

Қатламли алюмосиликатларнинг текстуравий ва физик-кимёвий хоссаларига интеркалирлаш жараёнининг таъсири ўрганилган. Шунингдек, уларнинг сувли муҳитда адсорбцион ва каталитик хоссаларини ўрганишга оид ишлар деярли кам бўлиб, катализатор сифатида органик бирикмаларнинг

оксидланишида қўллаш имкониятлари етарлича ўрганилмаган, бу эса ушбу соҳада тизимли тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини тақозо этади.

Адабиётлар таҳлили маҳаллий бентонит гилларини газли, сувли ва углеводородли муҳитларда турли ифлослантирувчилардан адсорбцион ва каталитик тозаловчи юқори ғовакли материаллар сифатида қўллаш имкониятини кўрсатмоқда. Адабиётлар таҳлили диссертация ишининг мақсад ва вазифаларини шакллантириш имконини берди.

Диссертациянинг «**Дастлабки материаллар ва улар асосида интеркалирланган тизимларни тадқиқ этиш услубиётлари**» деб номланган иккинчи бобида ишнинг услубий қисми ёритилган бўлиб, бунда дастлабки монтмориллонит, полиоксокатионлар ва улар асосидаги интеркалирланган материалларнинг кимёвий-минералогик таркиби, тузилиши ва физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиш услубиёти келтирилган.

Материалларни синтез қилиш учун монтмориллонитга бой Лоғон (Фарғона вилояти) бойитилган бентонитидан фойдаланилган. Дастлабки бойитилмаган бентонитнинг кимёвий таркиби оксидлар (% оғ.) кўринишида ифодаланган: SiO₂ - 56,32; Al₂O₃ – 17,87; Fe₂O₃ – 4,11; TiO₂ – 0,09; MgO – 1,67; MnO – 0,02; CaO – 0,25; Na₂O – 1,25; K₂O – 2,18; P₂O₅ – 2,06; SO₃ – 0,01; H₂O – 9,45; CO₂ – 1,37; б.қ.м. – 12,5

Гилларни бойитиш анъанавий усул асосида, яъни суспензиялар тайёрлаш, чўктириш ва сўнгида декантациялаш орқали амалга оширилди.

Бойитиш жараёни минералогик ва дисперсион таркибининг ўзгаришига ёрдам берди. Тадқиқот натижалари бўйича маълумотлар 1- ва 2-жадвалда келтирилган.

1-жадвал.

Дастлабки Лоғон кони бойитилмаган ҳамда бойитилган бентонитининг дисперс таҳлили (элаклар бўйича)

Намуна	Меш / мм					
	20/ 0,90	30/ 0,547	50/ 0,308	150/ 0,104	250/ 0,062	300/ 0,045
дастлабки Лоғон, %	2,21	8,28	54,85	17,08	13,04	4,56
бойитилган Лоғон, %	21,33	14,52	32,96	16,65	11,08	3,46

2-жадвал.

Лоғон кони табиий ва бойитилган бентонитининг минералогик таркиби, % оғ.

Намуна	ММ	Каолин	Гидрослю да	Хлоридла р	Бошқа қўшимчалар
табиий	41,24	21,60	28,90	6,30	1,96
бойитилган	93,60	1,10	3,30	0,11	1,88

Полиоксокатионлар синтези гидролизловчи агентлар ёрдамида амалга оширилган бўлиб, гидролизловчилар сифатида калий ва натрий гидроксид, кальцинирланган сода эритмалари, шунингдек уларнинг аралашмаларидан иборат эритмалари танлаб олинган. Алюминий ва хром тузларининг дастлабки концентрацияси 0,1 дан 1 М гача, гидролизловчи моддалар эса 0,1 дан 0,5 М гача вариантларда ишлатилди. Cr³⁺ ва Al³⁺ нинг моляр нисбати 1:1

дан 1:10 гача, $\text{Me}^{3+}/\text{OH}^-$ нисбати $1 \leq 3$ оралиғида олинган ва хона ҳароратида тизимнинг рН қиймати $5 \pm 0,5$ га етган. Синтезнинг давомийлиги 30 дақиқадан 50 соатгача ўзгартирилди. Полиоксокатионлар синтезининг тизим ҳарорати 20 дан 70 °С гача ўзгартириб турилади.

Хром (III) полиоксокатионларини монтмориллонитнинг қатламлараро фазосига интеркалирлаш учун полиоксокатионлар тутган эритма 50°С га қиздирилиб, ўзгармас ҳароратда доимо аралаштирилган ҳолда 1 г ММ га 15 ммоль катион ҳисобида бойитилган гил қўшилади. Олинган суспензиялар 1-7 кун давомида 20-25 °С ҳароратда сақланади. Қаттиқ фазани ажратиб олингандан сўнг дистилланган сув билан ювилади, ювилган сувда Cl^- ионлари мавжудлиги текширилади. Сўнг қуритилган намуналар эксикаторда сақланади.

Материалларнинг тузилиши ва хусусиятларини тадқиқ қилиш РФТ (XRD Empyrean PANalytical), ИҚ- (Avatar 360 FT-IR Nicolet iS50 Thermo Fisher Scientific), УБ-спектроскопия, электрон микроскопия (EVO MA10 SEM), ДТТ (Q-1500 D), атом-абсорбсион спектроскопия, потенциометрия, кондуктометрия, фотометрия усуллари асосида амалга оширилди. Электрокинетик потенциални аниқлаш электрофорез усулида, шунингдек, Zetasizer Nano қурилмасида амалга оширилди.

Сув, гексан, толуол, этанол буғлари адсорбцияси тадқиқи Мак-Бен қурилмасида ҳамда эксикатор усули асосида амалга оширилди. Эритмаларда адсорбцион фаолликни аниқлаш учун бўёқ эритмалари (метилен кўки (МК), кармуазин (К), конго қизили (КК)) иштирокида спектрал таҳлиллар ўтказилди. Бўёқ эритмаларининг концентрацияси 0,1 дан 1 ммоль/л гачани ташкил этди.


Диссертациянинг «Дастлабки бентонит ва у асосида хром/алюминий интеркалирланган материалларнинг тузилишини тадқиқ қилиш» деб номланган учинчи бобида полиоксокатионларнинг барқарорлигига турли омилларнинг таъсирини аниқлаш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган, олинган рентгенограммалар асосида интеркалирланган намуналар тузилишидаги ўзгаришлар таҳлил қилинган, базал рефлекс қийматлари ва агрегатларнинг ўлчамлари ҳисобланган, Cr ва Cr+Al-устунли монтмориллонитларнинг физик-кимёвий тавсифлари аниқланган. Шунингдек, электрокинетик потенциал ва ноль заряд нуқтасини ўрганиш натижалари келтирилган.

Маълумки, ионлари эритманинг кенгрок рН оралиғида мавжуд бўла оладиган полигидрооксокатионларнинг барқарорлиги юқори бўлади. Шунинг учун полиоксокатионлар эритмасининг рН муҳитига гидролизловчи модда концентрацияси ва табиатининг таъсири ўрганилди. NaOH, KOH ва Na_2CO_3 сарфига кўра полиоксокатионлар эритмалари рН нинг ўзгариши ўрганилди.

Тузларнинг эритмаларини натрий гидроксид билан потенциометрик титрлаш натижасида олинган маълумотлар, ҳосил бўлган поликатионларнинг табиати турличалигини кўрсатди. Унга кўра суюлтирилган эритмаларда синтез қилинган Cr^{3+} полиоксокатионининг барқарорлиги юқорирок бўлади. Концентрациянинг ортиши полиоксокатион золлари мавжуд бўлган

эритманинг рН қийматлари оралиғини камайишига олиб келади. Тажриба натижалари шуни кўрсатадики, паст концентрацияларда эритмадаги хромли полиоксокатионларнинг барқарорлиги алюминийникига қараганда юқори бўлади. Бироқ, тузлар концентрациясининг ортиши улар барқарорлигининг ўзгаришига олиб келади. Cr^{3+} ва Al^{3+} ионлари асосидаги гетероядроли поликатионлар бошланғич концентрацияси камида 0,5 М бўлган эритмада синтез қилиниши керак. Ушбу катионлар нисбатининг таъсирини ўрганиш шуни кўрсатдики, иккила метал тузларининг мақбул концентрацияси 1:10 (Cr/Al) тенг. Айнан шундай нисбатларда барқарорлик кўрсаткичининг энг юқори қийматларига эришилган бўлиб, кенг рН диапазонлари ($3,2 \leq 5,2$) буни тасдиқлайди.

Тизимнинг рН қиймати ўзгаришига ҳарорат ва поликатионлар ҳосил бўлиш давомийлигининг таъсирини ўрганиш шуни кўрсатдики, ҳароратининг Al^{3+} тизимида (0,5М Al^{3+} , $\text{Al}^{3+}/\text{OH}^- = 2,4$) 53-56°C гача ортиши тизими рН ининг 4,5 дан 3,87 гача камайишига сабаб бўлади. Бу ўзгаришлар, биринчи навбатда, йирикроқ катион золларининг ҳосил бўлиши билан боғлиқ бўлиб, бунинг натижасида эритмадаги OH^- ионларининг концентрацияси сезиларли даражада камаяди ва рН нинг пасайиши кузатилади.



1-расм. $\text{Me}^{3+}/\text{OH}^-$ нисбатларининг рН га боғлиқлиги:
1) 1 М Cr^{3+} ; 2) 0,1 М Cr^{3+} ; 3) 1 М Al^{3+} ; 4) 0,1 М Al^{3+} .

Гидролизловчи восита сифатида КОН ишлатилган ҳолда тегишли металл катионларининг мавжудлик диапазони бироз кичик бўлади, бу эса сувли эритмалардаги паст барқарорликни исботлайди. Гидролизловчи восита сифатида Na_2CO_3 тизимнинг рН даражасини NaOH ва КОНга қараганда анча кам оширади. 1-расмда $\text{Me}^{3+}/\text{OH}^-$ нисбатда тизимнинг рН қийматини ўзгариш эгрилари келтирилган.

Расмдан кўриниб турибдики рН қийматининг энг катта ўзгариши 1М Cr^{3+} эритмасида рўй беради. 0,1 М Cr^{3+} ва 1 М Al^{3+} эритмаларини потенциометрик титрлаш эгри чизиклари ўхшаш шаклга эга ва рН ўзгариш диапазони тахминан 3 ва 3,3 бирликни, 0,1 М Al^{3+} ҳолатида эса оралиқ деярли икки баробар кам ва тахминан 1,6 бирликни ташкил этади. Экспериментал маълумотлардан кўриниб турибдики, гидролизловчи сифатида NaOH эритмаларидан фойдаланиш орқали энг барқарор ионларни олиш мумкин.

Интеркалирланган ММ синтези учун бойитилган гилнинг алмашинувчи катионларини алмаштириш учун зарур бўлган полиоксокатионлар миқдори

аниқланди. Бунинг учун дастлаб алмашинадиган Na^+ ; K^+ (ГОСТ 3594.3-93); Ca^{2+} ; Mg^{2+} (ГОСТ 3594.2-93) катионлар миқдори аниқланди, олинган маълумотлар 3-жадвалда келтирилган.


3-жадвал

Табийй ва бойитилган ЛБ нинг катион алмашинув комплекси

Намуна	Na^+	K^+	Ca^{2+}	Mg^{2+}	$\Sigma_{\text{катион}}$	сувли экстракт рН	тузли экстракт рН
	мгек /100 г						
табийй	33.1	12.8	19.3	6.1	71.3	8.4	7.8
бойитилган	45.2	19.3	21.6	10.2	96.3	7.6	7.4

3-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, бойитилган ЛБ нинг катион алмашинув комплекси Na^+ , K^+ , Ca^{2+} ва Mg^{2+} ионлари билан дастлабки намунадаги каби тасвирланган. Бироқ, бойитиш алмашинадиган катионлар миқдорининг сезиларли ўзгаришига олиб келди ва катион алмашиш қобилияти 71,3 дан 96,3 мэкв/100 г гача ортди. Бу ўзгариш биринчи навбатда гил бўлмаган моддалар, шунингдек каолинсимон моддалар миқдорининг камайиши ҳамда гидрослюдали гиллар ва асосий компонент - монтмориллонит миқдорининг ортиши билан боғлиқ.


Фақат интеркалирловчи катион синтези билан фарқ қилувчи модификацияланган ЛБ намуналарининг қиёсий рентгенфазавий таҳлили 2-расмда келтирилган.



2-расм. Намуналарнинг рентген диффрактограммаси: 1) $\text{Cr}^{3+}/\text{OH}^- = 2$; $T = 22^\circ\text{C}$; 2) $\text{Cr}^{3+}/\text{OH}^- = 2$; $T = 70^\circ\text{C}$; 3) $\text{Cr}^{3+}/\text{OH}^- = 2,5$; $T = 22^\circ\text{C}$; 4) $\text{Cr}^{3+}/\text{OH}^- = 2,5$; $T = 70^\circ\text{C}$; 5) $\text{Al}^{3+}/\text{OH}^- = 2$; $T = 22^\circ\text{C}$; 6) $\text{Al}^{3+}/\text{OH}^- = 2$; $T = 50^\circ\text{C}$; 7) $\text{Al}^{3+}/\text{OH}^- = 2,5$; $T = 22^\circ\text{C}$; 8) $\text{Al}^{3+}/\text{OH}^- = 2,5$; $T = 50^\circ\text{C}$; 9) $(\text{Cr}^{3+} + \text{Al}^{3+})/\text{OH}^- = 2$; $T = 22^\circ\text{C}$; 10) $(\text{Cr}^{3+} + \text{Al}^{3+})/\text{OH}^- = 2$; $T = 50^\circ\text{C}$; 11) дастлабки бойитилган бентонит.

Дифрактограмма тасвирларидан кўриниб турибдики, d_{001} қийматлар турлича. Қатламларо масофа қийматларининг турличалигини сабаби поликатионнинг ўлчами ҳамда вақтга боғлиқ ҳолда унинг барқарорлигига боғлиқ бўлиши мумкин. Йирик ўлчамларига қарамай, беқарор ионлар монтмориллонит қатламларини нисбатан узоқ масофаларга кенгайтиришга қодир эмас. Қатламли тизим қатламларига интеркалирланган поликатионнинг барқарорлигини аниқлашнинг асосий мезонларидан бири юқори ҳароратда қиздиришдир. Қиздириш натижасида поликатион структурасининг ўзгариши биринчи навбатда d_{001} рефлекс интенсивлигининг камайишига олиб келади ва унинг жойлашишини каттароқ бурчаклар томонга ўзгартиради.

Брэгг-Вульф тенграмаси ёрдамида олинган қатламлараро масофа қийматларини интеркалирланган монтмориллонит гилларининг d_{001} эффекти ва уларнинг интенсивлик қийматлари билан таққослаш, қиздириш рефлекслари интенсивлигининг пасайишига олиб келади ҳамда интенсивлик қиймати полиоксокатион барқарорлигига қараб ўзгаради деган ҳулосага келиш мумкин. Олинган маълумотлар бошланғич реагентлар сарфи, ҳарорат ва синтез давомийлигига боғлиқ ҳолда полиоксокатионлар рН муҳитининг ўзгаришини экспериментал ўрганиш натижалари билан жуда мос келади. Олинган маълумотларга асосланиб, келгуси мақсадлар учун полиоксокатионларнинг энг барқарор намуналари танлаб олинди.



3-расм. Интеркалирлаш жараёни унумининг ҳароратга боғлиқлиги :
1) Cr^{3+} ; 2) $Cr^{3+} + Al^{3+}$


Интеркалирлаш жараёни унумдорлигига ҳароратнинг таъсирини ўрганиш шуни кўрсатадики, ҳароратнинг жараён унумига таъсири поғонасимон хусусиятга эга (3-расм). Хона ҳароратида ва жараённинг суткалик давомийлигида мавжуд алмашинувчи катионлар алмашинувининг тахминан 60% ига эришилади. Ҳароратнинг 50 °C га босқичма-босқич кўтарилиши ва бу кўрсаткични сақлаб туриш жараёнга салбий таъсир кўрсатади.

Жараён унумининг давомийликка боғлиқлигини ўрганиш шуни кўрсатадики, тизимнинг 28-30 соатлик тиним ҳолатидан сўнг тизимда алмашинув мувозанатини ўрнатилиши қарор топади. Cr^{3+} полиоксокатионлари ҳолатида эса суспензияни 50 соат тинч ҳолатда ушлаб

туришдан сўнг, деинтеркаляция жараёнининг кучайиши бошланади ва мазкур поликатион сувли суспензиясини кейинчалик сақлаш жараёни унумдорлигининг 60% гача ёки ундан камроқгача пасайишига олиб келади. Аралаш поликатионлар тутган тизимда ҳам тескари жараён кузатилади, фақатгина 90 соатлик тинимдан сўнг унумнинг пасайиши максимал 93% дан атиги 80% гача камаяди.

Cr ва Cr+Al интеркалирланган намуналарнинг рентгенфазавий таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, d_{001} базал рефлекс қиймати 550 °C гача қиздирилганда мос равишда 15,8 ва 18,6 Å гача, d_{001} интенсивлиги эса мос равишда 83 ва 91% дан 75 ва 81% гача камаяди, бу эса дастлабки тузилишнинг муҳим қисми сақланишидан далолат беради.

Шеррер тенгламасидан фойдаланган ҳолда рентгенографик таҳлил натижаларига асосланиб, кристалли агрегатлар ўлчамлари ҳисоблаб чиқилган. Cr-ЛБ намунаси кристаллсимон агрегатлари ўлчамларини ҳисоблаш натижалари шуни кўрсатадики, зарралар асосан 9-12 нм атрофидаги ўлчамга эга, аммо тизимда деярли 1 ва 100 нм дан ортик ўлчамдаги зарралар мавжуд ва уларнинг сони ўртача 2% ни ташкил этади. Cr/Al-интеркалирланган ЛБ да кристаллар ўлчами бундай кенг диапазондаги қийматларга эга эмас. Асосан, агрегатлар ўлчами 6,5-7,2 нм атрофида бўлган кристаллар нанозаррачалар билан ифодаланади. Тахминан 1 нм ўлчамдаги агрегатлар улуши 1% дан ошмайди. Ҳисоблаш натижалари 100 нм дан катта заррачаларни намоён қилмади.



4-расм. Диффрактограммалар: 1) Cr-ЛБ; 2) Cr+Al-ЛБ.

Қатламли тизимларнинг зичлиги, ғоваклиги, заррачалар ўлчами бўйича тақсимоти каби механик ва физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиш шуни кўрсатадики, интеркалирлаш дастлабки бентонитни асл зичлигининг ортишига олиб келишини кўрсатди, аммо шу билан бирга унинг сочма зичлиги қийматларининг пасайиши кузатилди, бу эҳтимол тизим ғоваклигининг ортиши ҳамда намликнинг пасайиши билан боғлиқ (4-жадвал).

4-жадвал


Ўрганилаётган намуналарнинг физик-кимёвий хусусиятлари

Намуна	Ҳақиқий зичлик, г/см ³	Оммавий зичлик, г/см ³	Намлик, %
Бойитилган ЛБ	2.33	1.71	13.0
Cr-ЛБ	2.54	1.62	7.2
Cr+Al-ЛБ	2.61	1.33	5.5


Сирт ўзгаришлари морфологияси электрон микроскопик ва электрон-кучли микроскоп усуллари таҳлили натижалари билан аниқланди (5- ва 6-расм). Микротасвирларда ЛБ нинг бойитилган шакли аниқ қатламли тузилишни намоён қилади, бунга сабаб алюмосиликатлар, айниқса минералларга бой смектит гуруҳи қурилганидан сўнг зичлашади. Бирок, барча қатламлар ҳам тегишли зичлашишда иштирок этмайди ва заррачалар тартибсизликка учраб, текисликлараро майдонда 2-3 мкм ўлчамли йирик овалсимон бўшлиқларни ҳосил қилади. Монтмориллонитни интеркалирлаш қатлам структурасини сезиларли ўзгаришига олиб келиб, текисликлараро бўшлиқларни камайтиради (6. б-расм).

Заррачаларнинг гидродинамик радиуси қийматлари аниқланган бўлиб, бунинг учун бойитилган ЛБ нинг дастлабки 0,1% суспензияси ва унинг интеркалирланган шакллари тайёрланди. Олинган маълумотлар 7-расмда кўрсатилган.

Пиллар материаллар заррачалар ўлчам пробаси жиҳатидан бир жинслилиги билан тавсифланади, айниқса интеркалирланган-пиллар-1ММ да бу сезиларли даражада намоён бўлади. Заррачалар дисперслигининг сезиларли ўзгариши нафақат модификациянинг натижаси, балки модификациялаш жараёнида қўлланилган механик таъсирлар ҳам бўлиши мумкин, чунки бу ҳам намуналар дисперслигининг пасайишига олиб келади. Cr-ЛБ ва Cr/Al-ЛБ нинг асосий қисми 180-220 нм ўлчамдаги заррачалар билан ифодаланади .




5-расм. ЛБ намуналарининг электрон микроскоп тасвирлари.



а)

б)

6-расм. а) Cr-ЛБ; б) Cr+Al-ЛБ.



1)

2)

3)

7-расм. Заррачанинг ўлчам жиҳатдан тақсимланиши (суьлтирилган сувли суспензияларда): 1) ЛБ; 2) Cr-ЛБ; 3) Cr+ Al -ЛБ.

Интеркалирлаш жараёнининг таркиб хусусиятларига таъсирини аниқлаш учун адсорбат сифатида гексан, толуол ва этанолдан фойдаланган ҳолда адсорбцион жараёнлар амалга оширилди.

6-жадвал

Гексан буғи адсорбцияси бўйича намуналарнинг ҳисобланган таркиби хусусиятлари

Намуна	$S_{\text{сол}}, \text{м}^2/\text{Г}$	$V_a, \text{см}^3/\text{Г}$	$V_b, \text{см}^3/\text{Г}$	г, нм
ЛБ	10,28	0,0084	0,03	2,18
Cr-ЛБ	13,68	0,011	0,03	1,99
Cr/Al-ЛБ	15,73	0,012	0,03	1,88

7-жадвал

Толуол буғи адсорбцияси бўйича намуналарнинг ҳисобланган таркиби хусусиятлари

Намуна	$S_{\text{сол}}, \text{м}^2/\text{Г}$	$V_a, \text{см}^3/\text{Г}$	$V_b, \text{см}^3/\text{Г}$	г, нм
ЛБ	18,65	0,013	0,004	1,84
Cr-ЛБ	27,32	0,02	0,008	2,09
Cr/Al-ЛБ	36,95	0,027	0,008	1,89

8-жадвал

Этанол буғи адсорбцияси бўйича намуналарнинг ҳисобланган таркиби хусусиятлари

Намуна	$S_{\text{сол}}, \text{м}^2/\text{Г}$	$V_a, \text{см}^3/\text{Г}$	$V_b, \text{см}^3/\text{Г}$	г, нм
ЛБ	25,21	0,019	0,004	1,79
Cr-ЛБ	43,42	0,034	0,011	2,11
Cr/Al-ЛБ	49,67	0,039	0,02	1,65

Сувли ёки бошқа кутбли муҳит таъсирида монтмориллонитнинг кристалл тузилиши бузилади, шунинг учун нам муҳитда (ёки спиртлар, феноллар ва бошқалар каби кутбли суюқликлар муҳитида) сақлаш монтмориллонит асосидаги материалларнинг (адсорбентлар, катализаторлар, ташувчилар ва бошқалар) хусусиятларига салбий таъсир кўрсатади. Шу боис бойитилган ЛБ ва у асосидаги интеркалирланган материалларнинг сув буғига нисбатан адсорбцион хусусиятлари ҳамда улар адсорбцион фаоллигининг барқарорлиги ўрганилди. ЛБ ва унинг қиздирилган шакли учун максимал адсорбция қийматлари мос равишда 5,9 ва 3,2 ммоль/г ни ташкил этди. Интеркалирланган материаллар максимал адсорбциянинг юқори қийматлари билан ажралиб турмасида, уларнинг пиллар шакллари паст адсорбцион кўрсаткичларни намоён этмайди ва сув бўйича адсорбцион қийматлари 4,1 ва 4,0 ммоль/г ни ташкил этади.

Ўрганилаётган объектларнинг барқарорлик даражасини аниқлаш учун эксикатор усулида адсорбцион жараёнлар ўтказилди. Экспериментал намуналар лаборатория шароитида 10 ой давомида эксикаторда сақланди. Маълум бўлдики, адсорбцион жараёнларга нисбатан хром моноядроли пилларларнинг барқарорлиги юқорирок. Бунда намуналарнинг солиштирма сирт юзаси деярли 1,3-1,5 марта камаяди. 5 та адсорбцион-десорбцион даврдан сўнг микроғоваклар ҳажмининг кичрайиши бошланиб, бу хол металл оксиди (гидроксид)дан ясалган қатламлараро устунлар тузилишининг

ўзгариши билан боғлиқ. Адсорбцион-десорбцион жараёнларнинг 9-10 мартагача оширилиши эса микроғовак ҳажмининг қийматларини 2 баробардан ортиқ камайтиради. 550 °С да қиздирилган намуналарнинг солиштирма сирт юзаси бир йилдан сўнг атиги 10% га камаяди. Модификацияланган шакллар солиштирма сирт юзасининг камайиши ҳам кукун, ҳам гранула шаклида сезиларлироқдир, чунки 6 ой мобайнида пасайиш 20% ни, бир йилда эса 50% ни ташкил қилади. Шу боис, цеолитлар сингари, пиллар материаллар ҳам адсорбцион хусусиятларини таъминловчи ғовакликларини сақлаб қолиш учун ёпиқ қоп ёки куруқ жойда сақланиши зарур.

Диссертациянинг «Cr ва Cr/Al-интеркалирланган монтмориллонитларнинг адсорбцион ва каталитик фаоллигини ўрганиш» деб номланган тўртинчи бобида интеркалирланган тизимлардан сувли муҳитда барқарор органик моддаларнинг адсорбентлари ва органик моддаларнинг оксидланиш деструкцияси учун катализаторлар сифатида фойдаланиш имкониятларини ўрганишга қаратилган экспериментал тадқиқот маълумотлари келтирилган. Турли табиатли органик бўёқларни адсорбциялаш натижалари кармуазин, конго қизили ва метилен кўк мисолида бошланғич ва пиллар ЛБ намуналари бўйича келтирилган.

Маълум бўлдики, интеркалирлаш монтмориллонит сирт зарядининг пасайишига олиб келади, бу эса сирт табиатининг ўзгаришига таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, монтмориллонит юзасида қарама-қарши зарядларнинг мавжудлиги уларнинг табиати ва ўлчамига қараб катион ва анионларнинг адсорбцияланишига ёрдам беради. Бўёқ модда: ЛБ тизимидаги адсорбцион мувозанатни ёритиш учун Ленгмюр, Фрейндлих ва Дубинин-Радушкевич тенгламаларидан фойдаланилган.

Сув буғлари бўйича Cr ва Cr/Al-пиллар ММ нинг солиштирма сирт юзаси тахминан 70 ва 82 м²/г, метилен кўки бўйича эса 385,8 ва 349,5 м²/г ни ташкил қилади. Метилен кўкининг Cr-ЛБ билан адсорбцион таъсирлашуви Cr/Al-ЛБ га қараганда кучлироқдир. Интеркалирланган материалларда катион бўёқлар адсорбциясининг юқори бўлиши бўёқ зарраларини зич жойлашганлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бироқ, родамин С нинг ўлчамлари ўхшаш бўлишига қарамай, ушбу модда учун солиштирма сирт майдони биринчисидан анча кичик бўлиб 112,3 ва 137,6 м²/г ни ташкил қилади.

